

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Son 4. Jild 4.

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 4 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Ҳожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудир;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### 12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### 13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### 19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Караматдиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

Содиқова Шоҳида Мархабобевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Qurbonov Murodjon Dehqonboy o'g'li</i> "KASHKULI SALIMIY" ASARIDA USMONIY HUKMDORLAR TARIXINING YORITILISHI.....	12-17
<i>Ismoilova Diyoraoy Xursandjon qizi</i> AMIR NASRULLOH DIPLOMATIYASI .....	18-23
<i>Tursunov Farrux Fulomovich</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ТОЖИКЛАРГА ХОС УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР .....	24-28
<i>Usmonaliyev Isroiljon Ibrohimjon o'g'li</i> FARG'ONA VODIYSIDA "O'ZBEK" ETNONIMINING TARQALISHI .....	29-34
<i>Djurayev Ikrom Nematovich</i> YEVIROOSIYO CHORVADOR QABILALARINING FARG'ONA VODIYSIGA KIRIB KELISHI.....	35-40
<i>Esanova Nilufar Pulatovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA YENGIL SANOAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLAR .....	41-46
<i>Abduraхимова Сабоҳат Эргаш қизи</i> БУХОРО АМРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ ТУМАНИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИ .....	47-53
<i>Toshturov Shuxrat</i> MUSTAQILLIKKACHA BO'LGAN DAVRDA NAVOIY VILOYATI SANOAT KORXONALARINING EKOLOGIK MUHITGA TA'SIRI .....	54-60
<i>Kanimkulov Olimjon Sheraliyevich</i> AKADEMIK YAHYO G'ULOMOV FAOLIYATI HAQIDA QAYDLAR ("XORAZMNING SUG'ORILISH TARIXI" ASARI MISOLIDA).....	61-65
<i>Begniyazova Gozzal Allambergenovna</i> QORAQALPOQ XALQ ERTAKLARINING YIG'ILISHI VA NASHR QILINISHI.....	66-70

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Султонов Баходир Файзуллаевич, Тураева Гулизахро Каххоровна, Норбўтаев Бахтиёр Абдурахимович</i> СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ХОСИЛДОРЛИГИНИНГ 2024-2027 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ.....	71-78
<i>Abdiganieva Zarapshan Salievna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISHDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI .....	79-85
<i>Otaxonova Odinaxon Inomovna</i> QORAMOLCHILIK MAHSULOTLARI IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA OZUQA BAZASINI YAXSHILASHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI .....	86-94
<i>Rahimov Oйбек Бахтиёрович</i> СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ .....	95-99
<i>Хушмурадов Оман Намозович</i> СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	100-110

<i>Saitkamolov Muxammadxo'ja Sobirxo'ja o'g'li, Karabayev Rustam Zafarovich</i> BULUTLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BIZNES JARAYONLARNI TASHKIL ETISH YO'LLARI .....	111-125
<i>Фаттахова Муниса Абдухамитовна</i> ПОНЯТИЕ И ПУТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ КРЕДИТНЫМ ПОРТФЕЛЕМ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ .....	126-133
<i>Isayev Jahongir Muzaffarovich</i> SANOAT KORXONALARINI RIVOJLANTIRISHDA AXBOROT TIZIMINI TA'MINLASH IQTISODIY МЕХАНИЗМНИНГ АСОСИЙ YO'NALISHI SIFATIDA .....	134-140
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Tilavova Umida Qahramonovna</i> RAQAMLI JAMIYATLAR TIZIMIDA INFORMATSION ETIKA KATEGORIYA VA ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ АНАМИЯТИ .....	141-147
<i>Yulchiyev Avazbek Maxamadjonovich</i> IJTIMOIY TEXNOLOGIYALAR HAQIDAGI G'OYALARNING SHAKLLANISH EVOLYUTSIYASI .....	148-154
<i>Каримова Гулчеҳра Абдукаримовна</i> ДУНЁ ДИНЛАРИ ВА ТАЪЛИМОТЛАРДА ОТАЛИКНИ ТУШУНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ .....	155-163
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> ISLOM FALSAFASIDA DALILLASH VA VAHS YURITISH USULI ZAMONAVIY ARGUMENTLASH NAZARIYASI TALQINIDA .....	164-168
<i>Muminov Nozim Naimovich</i> THE PHENOMENOLOGICAL APPROACH IS THE KEY TO UNDERSTANDING THE SPREAD AND TRANSFORMATION OF SUFISM IN THE WEST .....	169-175
<i>Турсунов Мухиддин Болтаевич</i> СОЦИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ .....	176-180
<i>Mamarasulov Ulug'bek Umirzoqovich</i> SPORT TURLARINING FALSAFIY-ESTETIK TANLILI .....	181-184
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Исанова Феруза Тулқиновна</i> ЎЗБЕК ТИЛИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СОҲАСИГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ .....	185-191
<i>Петрухина Наталья Михайловна</i> КОРАНИЧЕСКИЕ МОТИВЫ В ТВОРЧЕСТВЕ А.С.ПУШКИНА И ЕГО СОВРЕМЕННИКОВ .....	192-197
<i>Исаров Оман Рисалиевич</i> ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА ТАКСИС КОНВЕРБИАЛ ВЕРБАЛИЗАЦИЯСИ .....	198-205
<i>Родина Ирина Витальевна</i> АНТИНОМИЧЕСКАЯ ПАРА «МЕСТЬ» И «ПРОЩЕНИЕ» В ПОВЕСТИ-СКАЗКЕ Л. БОРОДИНА «ГОД ЧУДА И ПЕЧАЛИ» .....	206-211
<i>Ataeva Gulchekhra Bakhtiyorovna</i> THE ROLE OF IDIOMS IN ENHANCING BUSINESS COMMUNICATION: A STUDY ON THE USAGE OF IDIOMS IN BUSINESS LETTERS .....	212-220

<i>Erkinova Marxobo</i> ASSOTSIATIV MAYDON HOSIL QILISHDA LINGVISTIK OMILLARNING O'RNI .....	221-229
<i>Gulyamova Shahzoda Baxtiyor qizi</i> O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI MATNLARNING SINTAKTIK STRUKTURASI VA PRAGMATIK XOSLANISHI .....	230-234
<i>Batyrkhanova Madina Oybekovna</i> THE SOMATIC CULTURAL CODES IN THE STUDY OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK PHRASEOLOGISMS .....	235-244
<i>Aslonov Shahram Sherzod ugli, Saidova Marjona Abdimutal qizi</i> PECULIARITIES OF TRANSLATION OF POLITICAL TEXTS IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION .....	245-250
<i>Olimova Dilafruzxon Baxtiyorjon qizi</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SUBYEKTIV VAHONING IFODALANISHI .....	251-254
<i>Bobojonov Dilshod Jumaqul o'g'li</i> INGLIZ VA O'ZBEK GAZETA SARLAVHALARIDA PUBLISISTIK USLUB BELGILARINING NAMOYON BO'LISHI .....	255-260
<i>Абдуллаева Нилуфар Рамазоновна, Шаймарданова Мухлиса Усмановна</i> СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА “РАСТЕНИЕ” В СОПОСТАВЛЯЕМЫХ ЯЗЫКАХ .....	261-266
<i>Хайруллоева Сitora Lutfulloevna</i> PSYCHOLOGICAL NOVELS OF US AND THE DEVELOPMENT OF PSYCHOLOGYSMS .....	267-272
<i>Qudratova Muxiba Kamolovna</i> “LYUIS KERROLLNING ALISA MO' JIZALAR MAMLAKATIDA ASARIDAGI HAYVON OBRAZLARINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI” .....	273-279
<i>Убоженко Анна Станиславовна</i> ОСОБЕННОСТИ ТЮРКСКИХ ЗАИМСТВОВАНИЙ В РУССКОМ ЯЗЫКЕ .....	280-285
<i>Тухтаева Наргисхон Исамутдиновна</i> ОТРАЖЕНИЕ ДУХОВНОГО УПАДКА ОБЩЕСТВА И ЕГО ПОСЛЕДСТВИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЕ .....	286-292
<i>Gulnora Xolmurodova Sattorovna, Bo'ronova Mekkamtosh Xoliqulovna</i> INGLIZ VA O'ZBEK LISONIY MANZARASIDA MAQOLLARNING O'RNI .....	293-297
<i>Алибаева Лола Намазовна</i> ЖЕНСКИЕ ОБРАЗЫ В РАССКАЗАХ Л. ПЕТРУШЕВСКОЙ .....	298-303
<i>Eshqurbonova Aziza Bozor qizi</i> DIALOGIK NUTQDA SAVOLLARNING IFODALANISHI .....	304-308
<i>Norova Rahima Fayzulloevna</i> O'ZBEK VA INGLIZ ADABIY ERTAKCHILIGIDAGI SEHRLI VOSITALARNING QO'LLANISHIDA O'XSHASH JIHATLAR .....	309-316
<i>Egamberdiyeva Iroda Abdurahimovna</i> TRANSLATIONS OF HISTORICAL WORKS INTO ENGLISH .....	317-323
<i>Axmedova Adolat Ravshan qizi</i> GASTRANOMIYA TUSHUNCHASI HAMDA GASTRANOMIK REKLAMA MATNLARI .....	324-330

<i>Asqarova Madina Boymurod qizi</i> KORPUS LINGVISTIKASIDA MATN ANNOTATSIYASINING LINGVISTIK MUAMMOLARI .....	331-334
--	---------

<i>Калниязов Есемурат Шамшетович</i> ГОСТЕВОЙ ЭТИКЕТ И СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ .....	335-342
---	---------

### **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Bahodir To'raev</i> HUQUQIY MADANIYAT VA HUQUQIY TARBIYANING DEMOKRATIK DAVLAT RIVOJLANISHIDAGI ROLI .....	343-351
---	---------

<i>Турсоатов Содиқ</i> РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ .....	352-357
--	---------

<i>Хидиров Фурқат Шукуруллаевич</i> МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ .....	358-363
---	---------

<i>Рахимбаев Уткир Файзуллаевич</i> ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ ИНФРАСТРУКТУРЫ И СЕРВИСА ДЛЯ ТУРИСТОВ .....	364-372
---	---------

<i>Турсынбаев Азизбек Халмурзаевич</i> МЕЖВЕДОМСТВЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ КАК СПОСОБ РЕАЛИЗАЦИИ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ .....	373-377
--	---------

<i>Yakubov Abduraxmon Turayevich</i> TA'LIM HUQUQINING HUQUQIY SAVODXONLIKNI AMALGA OSHIRISHDAGI O'RNI .....	378-382
---	---------

<i>Rasulov Salimbek Baxtiyor o'gli</i> YEVROPA KENGASHINING KORRUPSIYA UCHUN JINOIY JAVOBGARLIK BO'YICHA KONVENSIYASI – KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHNING ZAMONAVIY XALQARO HUQUQIY ASOSLARIDAN BIRI SIFATIDA .....	383-387
---	---------

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Хайров Расим Золимхон угли</i> АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА .....	388-395
--	---------

<i>To'rayev Panji To'xtayevich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASIDA KURASHCHILARNI PSIXOLOGIK JIHATDAN TAYYORLASH .....	396-400
---	---------

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i> TALABALARNI KASBIY-PEDAGOGIK FAOLIYATGA TAYYORLASHDA IJTIMOY FAOLLIKNING AHAMIYATI .....	401-406
--	---------

<i>Yuldasheva Sayyora Aliaskarovna</i> TA'LIM TIZIMIDA INGLIZ TILINI INTEGRATSION O'QITISH .....	407-411
---	---------

<i>Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich</i> SPORT MASHG'ULOTLARI JARAYONIDA PEDAGOGIK NAZORATNING AHAMIYATI .....	412-418
---	---------

<i>Абдувахобов Искандер, Гизатулина Ольга Ивановна</i> ОРГАНИЗАЦИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА В СМЕШАННЫХ СРЕДАХ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ВУЗА .....	419-426
<i>Назарова Озода Шавкатовна</i> СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕМ УЧЕБНОМ ЗАВЕДЕНИИ .....	427-432
<i>Pirnazarova Sevara Doniyor qizi</i> OLIQ O'QUV YURLARIDA XORIJIY TILNI O'QITISHDA O'YIN USULLARINI QO'LLASH .....	433-438
<i>Ko'ziyeva Gulnoza Maxamadaliyevna</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING PEDAGOGIK SALOHİYATINI OSHIRISH METODIKASI .....	439-444
<i>Умирзокова Сурайё</i> ТАЛАБАЛАРИНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ .....	445-451
<i>Olimova Nigora</i> MUVAFFAQIYATLI O'RGANISHDA SINFINI BOSHQARISH KO'NIKALARINING AHAMIYATI .....	452-463
<i>Nabiyeva Firuza Odil qizi</i> “ELEKTROMAGNETIZM” BO'LIMINI O'QITISHDA AMALIY MASHG'ULOTLARNING AHAMIYATI .....	464-471
<i>Sobirova Oygul Alimovna</i> BO'LJAK MUSIQA O'QITUVCHILARIDA METODIK KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD HOLATINI TAHLILYI VAHOLASH .....	472-479
<i>Shermatov G'ulom Kaxxorovich</i> IMPROVING THE TECHNIQUE OF BADMINTON SPORTS TRAINING .....	480-486
<i>Shamirzayeva Zarifa Xudoyorovna</i> TALABALARDA KASBIY KO'NIKALARNI SHAKLLANISHIDA MIKROTA'LIM O'QITISH TEKNOLOGIYASINING SAMARALI JIHLTLARI .....	487-492
<i>Ziyadullayeva Dilafruz Xudayberdiyevna</i> O'SMIRLARDA YETAKCHILIK XUSUSIYATLARINI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETINSIYAVIY FAOLIYATNING PEDAGOGIK ASOSLARI .....	493-498
<i>Muydinov Firuzjon Farxodjonovich</i> TIBBIY TA'LIM TALABALARIDA MEDIKOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH METODIKASI .....	499-505
<i>Egamberdiyeva Feruza Abdimannonovna</i> MULTIMEDIA TEKNOLOGIYALARIGA ASOSLANGAN DASTURIY TA'MINOTNI LOYIHALASH .....	506-510
<i>Худойбердиева Дурдона Баходир қизи</i> ЛИЧНОСТНО-ОРИЕНТИРОВАННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ОБУЧЕНИЯ В РАБОТЕ С ОДАРЕННЫМИ ДЕТЬМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА .....	511-516
<i>Курбонов Дониёрбек Кахрамонович</i> ОБУЧЕНИЕ ПОЭЗИИ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ .....	517-524

*Shamsiddinov G'iyos Xusniddin o'g'li, Jurayeva Feruza Baxtiyor qizi*

**IQTISODIYOT YO'NALISHI TALABALARIGA EKONOMETRIKA FANINI O'TISHNING**

**INTERAKTIV USULLARI ..... 525-532**

*Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович*

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА**

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ..... 533-539**

**Умирзокова Сурайё**

Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ эркин тадқиқотчиси  
e-mail: [surayyoumrzoqova5@gmail.com](mailto:surayyoumrzoqova5@gmail.com)

### **ТАЛАБАЛАРНИНГ КИНЕТИК ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация.** Мақолада талабалар ўртасида кинетик интеллектни ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳақидаги тадқиқот натижалари ҳақида фикр юритилади. Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида жисмоний фаоллик, спорт ва ижодкорликни рағбатлантиришда турли мамлакатларда қўлланилаётган усул ва ёндашувлар таҳлил қилинган. Шунингдек, хорижий таълим муассасаларида қўлланилаётган илғор тажрибаларни мамлакатимиз таълим тизимида қўллаш амалиёти ўрганилган.

**Калит сўзлар:** кинетик интеллект, ривожланиш, таълим, спорт, ижодкорлик, жисмоний фаолият, усуллар, тажриба.

---

**Umirzokova Surayyo**

Independent researcher  
University of economics and pedagogy NEI

### **EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE DEVELOPMENT OF KINETIC INTELLIGENCE OF STUDENTS**

**Abstract.** The article reflects on the results of research on the experience of foreign countries on the development of kinetic intelligence among students. Methods and approaches used in different countries to encourage physical activity, sports and creativity among students of higher educational institutions are analyzed. Also, the practice of applying the best practices used in foreign educational institutions in the educational system of our country was studied.

**Key words:** kinetic intelligence, development, education, sports, creativity, physical activity, methods, experience.

---

**Умирзокова Сурайё**

Независимый исследователь  
Университета экономики и педагогики НОУ

### **ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В РАЗВИТИИ КИНЕТИЧЕСКОГО ИНТЕЛЛЕКТА СТУДЕНТОВ**

**Аннотация.** В статье отражены результаты исследования опыта зарубежных стран по развитию кинетического интеллекта у студентов. Анализируются методы и подходы, используемые в разных странах для поощрения физической активности, спорта и творчества студентов высших учебных заведений. Также была изучена практика применения в образовательной системе нашей страны лучших практик, применяемых в зарубежных учебных заведениях.

**Ключевые слова:** кинетический интеллект, развитие, образование, спорт, творчество, двигательная активность, методы, опыт.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I4Y2024N66>

**Кириш.** Ҳозирда дунё миқёсида таълим тизимига эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда ахборот ҳажмининг ниҳоятда кўплиги, уларни анализ ва синтез қилиш имкониятларнинг мураккаблиги, таълим тизимига бўлган талабнинг ортиб бориши, таълимий жараёнларнинг хилма-хиллашуви каби масалалар таълим тизимида замон талабларига мос ислохотларни амалга оширишни талаб этмоқда. Таълим тизимининг натижавийлигини таъминлашда таълим олувчиларнинг кинетик интеллектини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Кинетик интеллектни ривожлантириш натижасида таълим олувчиларнинг вазнини назорат қилиш, юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлаш, хотира, диққат ва фикрлаш тезлиги ва аниқлигини ошириш, талабаларда жамоа бўлиб ишлаш, ҳамкорлик қилиш каби ижтимоий кўникмаларнинг ривожланишига кўмак беради, турли хил ҳаётий вазиятлар ва стрессларга муваффақиятли мослашиш туфайли ўз-ўзини идора эта олиш қобилиятини шакллантириш, бўлғуси мутахассисларнинг каръеравий ўсишини таъминлайди, таълим тизимида мувозанатга эришишга ёрдам беради. Умуман олганда, талабаларнинг кинетик интеллектини ривожлантириш уларнинг жисмоний саломатлиги, когнитив қобилиятлари, ижтимоий кўникмалари, ўзини ўзи идора этиши, келажакдаги касбга тайёрлигини таъминлаши ва ривожлантириши билан долзарб ҳисобланади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Кинетик интеллект хусусида биринчилардан бўлиб америкалик психолог ва кўп интеллект назарияси асосчиси Ховард Гарднер ўзининг 1983 йилда нашр этилган асарида ўз фикрларини билдириб ўтган. Унинг фикрича, интеллект инсонларнинг ягона ва ўзгармас қобилияти эмас, балки турли хил қобилиятларнинг мураккаб жамланмаси эканлигини қайд этади. У интеллектни лингвистик, математик (мантиқий), мусиқий, визуал (фазовий), кинетик, шахслараро, шахсий ва табиий турларини фарқлади [1, 133-б.].

Биз ҳақимизда тана тили сўзлардан кўра кўпроқ нарсаларни айта олади. Инсонлар ҳақида ҳатто сўз ўрнига гапира олади [2, 12-б.].

Тадқиқотчилар А.Т.Нурманов ва Ё.И.Тургановлар фикрича, “Шахслараро мулоқотда нутқ ҳамда белгиларнинг оптик кинетик (имо-ишора ва ҳоказо) тизим, пара ва экстралингвистик тизим (оҳанг, сукут сақлаш ва ҳоказо) воситасида билим, маълумот, ахборот алмашиш юз беради. Шахслараро мулоқотда кўз кўзга тушиши, тактик алоқа (қўл ушлаш) бир бирига таъсир қилиш воситаларидир. Бунда шароит ва вазиятдан самарали фойдаланилади”-деган хулосага қилишган [4, 55-55-б.].

Таълимга инновацияларни жорий этишдан олдин талаба ўқув жараёнига тайёр бўлиши керак ва уларни бу жараёнга мослаштириш лозим. Аудио, визуал ва кинетик воситалар талабалар учун таълим жараёнини ўзлаштиришнинг муҳим омилидир [3, 2843-б.].

Тадқиқот натижаларини олишда биз томонимиздан кузатиш, маълумотларни жамлаш ва гуруҳлаш, SWOT таҳлил, меъерий-ҳуқуқий хужжатлар таҳлили, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили, индукция ва дедукция, мантиқий назорат каби методлардан кенг фойдаланилди.

**Муҳокама.** Кинетика сўзи лотинча “kinesio” ҳаракат ва “intellectus” тушуниш сўзларидан олинган бўлиб, одамларнинг ҳаракатлари ва ҳолатини тушуниш қобилияти ҳақидаги фаннинг бир тармоғидир. Кинетик интеллект - бу инсоннинг ҳаракатларини бошқариш ва бошқа одамларнинг ҳаракатларини тушуниш қобилиятидир. Кинетик интеллект бизга юз ифолари, қарашлар, имо-ишоралар, ва таъсир этишнинг бошқа элементлар ёрдамида атрофимиздаги одамларга таъсир ўтказишга ёрдам беради.

Кинетик интеллект Ховард Гарднернинг кўп ўлчовли интеллект моделининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг кўп интеллект назариясида тақдим этилган. Кинетик интеллект тана ҳаракатлари, улардан фойдаланиш ва манипуляцияларини тушуниш қобилиятини англатади. Юқори даражадаги кинетик интеллектга эга бўлган одамлар, одатда, ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва жисмоний фаоллиги орқали ўзларининг спорт, рақс ва мусиқа асбобларида ўзлигини намоён қилиш қобилиятига эга инсонлардир.

Кинетик интеллектни ривожлантириш таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади, унинг натижасида талабалар жисмоний саломатлиги мустаҳкамланади. Талабалар жисмоний фаоллигини ошириш орқали эса муаммоли вазиятлардан осон чиқиш ва ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш кўникмалари яхшиланишига эришилади. Таълим тизимида кинетик интеллектни спорт, рақс, мусиқа, бадий гимнастика, жисмоний ва ижодий фаолият билан шуғулланиш орқали ривожлантириш мумкин.

Тадқиқотларимизга кўра, дунё мамлакатларида кинетик интеллектни ривожлантириш ҳолати турличалиги кузатилди. Бунга қуйидаги умумий омиллар таъсир кўрсатиши аниқланди:

- таълим сиёсати;
- маданий анъаналар;
- спорт ва ижодий инфратузилмаларнинг мавжуд ҳолати ва бошқалар.

АҚШ, Канада, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатларда талабаларда кинетик интеллектни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, ушбу мамлакатларда таълим тизимида жисмоний фаолликни оширишга эътибор юқори бўлади. Таълим дастурлари жисмоний тарбия дарслари, спорт тўғараклари, ижодий ва бадий тўғараклар, шунингдек, ҳаракат қобилиятларини ривожлантириш ва мувофиқлаштиришни қаратилган жараёнларни ўз ичига олади.

Ҳиндистон, Бразилия ва Хитой давлатларида кинетик интеллектнинг ривожланиш даражаси ресурсларнинг чекланганлиги ва етарлича инфратузилмаларнинг шаклланмаганлиги боис юқорида келтирилган давлатларга қараганда камроқ ривожланган. Бунга асосий сабаб қилиб ушбу мамлакатлар таълим тизимида спорт иншоотлари, маданият марказлари ва жисмоний фаоллик имкониятларининг етишмаслигидир. Бироқ, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини юритиш, жисмоний саломатлик ва фаол турмуш тарзининг аҳамияти ҳақида хабардорлик ортиб бораётганлиги сабабли, ушбу мамлакатларнинг аксарияти ўзларининг спорт ва маданий инфратузилмасини фаол равишда ривожлантиришга эътибор қаратишган.

Австралия, Норвегия ва Нидерландия каби давлатларда аҳоли орасида жисмоний фаолликнинг юқорилиги, маданий анъаналар, иқлим шароитлари, соғлом турмуш тарзи

соҳасидаги давлат сиёсати ва бошқа омиллар натижасида бу мамлакатларда кинетик интеллект ривожланиши даражаси юқори ҳисобланади.

Таҳлил қилган мамлакатларимиз ичида Финляндия ўзининг илғор таълим тизими билан машҳур бўлиб, у турли хил интеллект турларини, шу жумладан кинетик интеллектни ривожлантириш учун турли усуллар ва ёндашувларни фаол бирлаштирганлиги билан аҳамиятга моликдир. Финляндия таълим муассасалари кинетик интеллектни ривожлантиришда талабаларнинг шахсиятини уйғун ривожлантиришга бўлган умумий истакнинг бир қисми сифатида эътибор беришади. Финляндия таълим муассасаларида кинетик интеллектни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- таълим муассасаларида талабаларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун жисмоний машқлар учун танаффуслар, спорт ёки жисмоний дам олиш имкониятлари таклиф этилади;

- талабаларнинг жисмоний меҳнат ва амалий кўникмаларини талаб қиладиган лойиҳалар, жумладан, дала тадқиқотлари, тажрибалар ва макетлар ўқув дастурларига интеграцияланади;

- Финляндия таълим тизимида талабалар спорт клублари ва тадбирлари кенг жалб қилинади;

- талабалар кинетик интеллект ижодий ва бадиий лойиҳаларда (рақс, драма, муסיқий чиқишлар ва бошқалар) иштирок этишни таъминлаш: ҳисобига ривожлантирилади;

- айрим таълим муассасалари спорт, рақс, театр ва санъатнинг бошқа шу каби муайян соҳалар орқали кинетик интеллектни ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар ёки курсларни ҳам таклиф қилишади.

Кинетик интеллектнинг ривожланиш даражасидаги фарқларга қарамай, тобора кўпроқ мамлакатлар инсоннинг тўлиқ ривожланиши учун жисмоний фаоллик ва ижодий фаолият муҳимлигини тан олишмоқда ва ўзларининг таълим тизимларига кинетик интеллектнинг ривожланиш бўйича тегишли дастурлар ва ташаббусларни жорий қилмоқдалар.

**Натижалар.** Ўрганишларимизга кўра, хорижий таълим муассасалари талабаларда кинетик интеллектни ривожлантириш учун жисмоний фаолликни оширишга қаратилган машғулотлар (дарс жараёнида саволларга жавоб беришда коптоклардан фойдаланиш, музёра, очик ҳавода дарсларни ташкил этиш ва бошқа методлар) олиб бориш, талабаларни спорт мусобақалари, муайян спорт турлари бўйича машғулотлар ёки кўнгилочар тадбирларга қатнашишини таъминлаш, талабаларнинг ижодий лойиҳаларда қатнашиши, кинетик интеллектни ривожлантиришнинг замонавий технологияларини қўллаш амалиётлардан фойдаланадилар.

Биз хорижий мамлакатлар таълим тизимида кинетик интеллектни ривожлантириш борасида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида кинетик интеллектнинг SWOT таҳлилини ишлаб чиқдик ва уни қуйидагича ифодаладик (1-расм).



**1-расм. Кинетик интеллектнинг SWOT таҳлили<sup>1</sup>.**

Кинетик интеллектнинг кучли томонлари қуйидаги натижаларга олиб келади: фаол жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланиш орқали талабаларнинг жисмоний саломатлиги яхшиланади; мунтазам жисмоний фаоллик талабаларда тананинг мослашувчанлик ва мувофиқлигини таъминлаш ва жисмоний фаоллик ва ижодий фикрлаш ўртасидаги ўзаро алоқалар туфайли талабалар томонидан муаммоларни ҳал этишда инновацион ёндашувларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Кинетик интеллектнинг кучсиз томонларида қуйидаги ҳолатлар намоён бўлади: анъанавий таълим дастурларида кўпинча кинетик интеллектни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмайди, бу эса унинг имкониятларидан етарлича фойдаланилмаслигига олиб келади; талабалар кинетик интеллектни ривожланишининг номукамал ташкил этилиши натижасида талабаларнинг таълим муассасаси ва келгуси фаолиятларида имкониятларини чеклашга олиб келиши ва кинетик интеллектни ривожлантириш учун мавжуд воситалар ва инфратузилманинг етишмаслиги унинг талабаларда самарали ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

Кинетик интеллектни ривожлантириш бизга қуйидаги имкониятларга эришишга олиб келади: кинетик интеллектни ривожлантириш усуллари таълим дастурларига интеграция қилиш орқали талабаларнинг янада тўлиқ билимларини мустақамланишига эришилади; интерфаол ва виртуал таълим дастурлари каби замонавий технологиялардан фойдаланиш таълим жараёнини янада қизиқарли ва самаралироқ бўлишига олиб келади ва спорт ҳамда маданий тадбирларни ташкил этиш талабаларни жисмоний фаоллигини оширади ва кинетик интеллектни ривожлантиришга ёрдам беради.

Кинетик интеллектнинг таҳликали томонларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: таълим дастурида кинетик интеллектни ривожлантириш учун жисмоний фаолият билан шуғулланишга етарлича вақт ажратилмаса, имкониятлар чекланади; баъзи талабалар томонидан жисмоний фаолиятга қизиқиш билдирмаслиги натижасида кинетик интеллектни ривожлантириш самарадорлиги камаяди ва ижтимоий келиб чиқиш ва турмуш тарзидаги фарқлар турли минтақалар ва мамлакатларда талабаларнинг кинетик интеллектини ривожлантириш қобилиятига таъсир қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳам таълим тизимини ривожлантириш ва таълим муассасалари фаолиятини халқаро андозалар асосида ташкил этиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди ва унда кинетик интеллектни ривожлантириш бўйича қўйидагилар белгиланди:

- талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, жумладан талаба-ёшларни маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларнинг компьютер ва интернет технологияларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш, талаба-қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш;

- олий таълим муассасаларида спортни қадрият сифатида ривожлантириш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш;

- олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустақамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш [5].

Мамлакатимизда ҳозирги кунда Финляндия, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Белоруссия ва Европа таълим тизими элементларидан кенг фойдаланиш амалиёти олиб

борилмоқда. Бу жараёнлар негизида талабаларни етук мутахассис этиб тарбиялашдек эзгу мақсад ётади десак, муболоғадан ҳоли бўлмайди.

**Хулоса.** Кинетик интеллект нафақат ҳар бир таълим муассасалари битирувчиси, балки ҳар бир инсон учун муҳимдир. Хорижий мамлакатларда талабаларнинг кинетик интеллектини ривожлантириш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик: биз томонимиздан ўрганилган мамлакатларда кинетик интеллектни ривожлантириш усуллари ва ёндашувлари турлича бўлиб, аксариятида жисмоний ҳамда ижодий фаолиятни ривожлантиришга урғу берилган; мамлакатларда кинетик интеллект таълим тизимининг асосий таркибий қисмига айланиб улгурган; хорижий таълим муассасаларида жисмоний фаолликнинг талабаларнинг умумий саломатлиги ва интеллектуал ривожланишидаги аҳамиятига катта эътибор берилган; кинетик интеллектни ривожлантириш учун таълим муассасалари ва турли ташкилотлар жумладан, спорт клублари, бадий уюшмалар ва ижод уйлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган ва талабаларнинг индивидуал қобилият ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кинетик интеллектни ривожлантириш усуллари алоҳидалаштирилган. Юқоридаги хорижий мамлакатлар тажрибасини мамлакатимиз таълим тизимиغا кенг жалб қилиш келгусида талабаларнинг кинетик интеллектини ривожлантиришга асос бўла олади, деб хулоса қилиш мумкин.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Gardner Howard (1983). Frames of Mind: The Theory of Multiple Intelligences. [Basic Books, ISBN 978-0133306149](#). 512 P.
2. Дементьев М. Кинетический интеллект. [АСТ](#), 2024 г. 240-стр.
3. Dewi, Andi & Syahrir, Mohammad & Ardiansyah, A & Rejeki, Hendriana. (2021). Students' Kinesthetic Intelligence in Physical Education: Garnering Indonesian Literatures. AL-ISHLAH: Jurnal Pendidikan. 13. 10.35445/alishlah.v13i3.1410.
4. Нурманов А.Т., Турганов Ё.И.. Педагогик маҳорат (риторика бўйича педагогика олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув қўлланма). – Тошкент: «ZEBO PRINT», 2022. – 164 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. 08.10.2019 йил.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 4 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).